САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Пардаева Озода Мамаюнусовна

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
08.00.15- Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

УДК:*657:01:658*

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Economics Sciences

Пардаева Озода Мамаюнусовна
Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари 5

Пардаева Озода Мамаюнусовна
Пути повышения эффективности и развития семейного предпринимательства в сфере услуг 27

Pardaeva Ozoda Mamayunusovna
Ways of improvementof efficiency and development of family entrepreneurship in the service sector ……..… 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……..…….. 55

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Пардаева Озода Мамаюнусовна

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
08.00.15 - Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Iqt914 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sies.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Туйчиев Алишер Жураевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Муҳаммедов Мурод Муҳаммедович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ғафуров Убайдулло Вахабович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд Давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «24» июль куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-18-84; факс: (99866) 233-28-38; e-mail:sies_info@edi.uz.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (028 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-37-76. e-mail:sies_info@edi.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «9» июль куни тарқатилди.
(2020 йил «9» июл даги 6 рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Пўлатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Н.Э.Ибадуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

М.М.Муҳаммедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг пировард натижаси оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Бугунги кунда оилавий корхоналар кўпгина Европа мамлакатлари, АҚШ ва Лотин Америкасида иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бирига айланган. Жумладан, “Европа Иттифоқи мамлакатларида оилавий компанияларнинг улуши 50 %дан ортиқроқни, Лотин Америкасида 65-90 %ни, АҚШда 95 %ни ташкил қилмоқда. Шунингдек, Европа мамлакатлари ЯИМнинг 45-50 %ни, Лотин Америкаси мамлакатларининг 70 %ни, Осиё мамлакатларининг 65-82 %гача ЯИМни оилавий корхоналар томонидан яратилмоқда”[1]. Шу боис, ушбу соҳани ривожлантириш, оилаларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш дунё ҳамжамиятининг доимий диққат марказида.

Жаҳонда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида бир қанча илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Оилавий тадбиркорликнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти, мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, оила хўжалигида тадбиркорликнинг асосий турлари ва йўналишлари, оила даромадларининг манбалари, харажатларни камайтириш йўллари каби масалалар шулар жумласидандир. Кўпгина мамлакатларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг фаровонлигини ошириш каби йўналишлар бўйича ҳам комплекс тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни юксалтириш, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг фаровонлигини ошириш, яшаш даражаси ва сифатини кўтариш долзарб масалага айланмоқда. Мамлакатимиз Президентининг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорида “Меҳнаткаш халқимизнинг қадимий касб-ҳунар анъаналари, ишбилармонлик салоҳияти оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг оммалаштириш”[2] зарурлиги таъкид-ланган. Кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг жуда кўплаб йўналишларидан бири хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолардир.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 16 мартда қабул қилинган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини

[1]https://cyberleninka.ru/article/n/semeynoe-predprinimatelstvo-analiz-rossiyskoy-praktiki.

[2]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори.// “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 8 июнь. 1-2 бетлар.

янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида кўзда тутилган мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 14 июлдаги“Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 9 июндаги «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизмат кўрсатиш соҳасида уй хўжалиги ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш йўллари мавзусида хорижлик олимлардан А.Смит, Ж.Б.Сей, Дж.М.Кейнс, Й.Шумпетер, Ф.Энгельс, А.В.Чаянов, В.И.Видяпин, В.Узун, Г.П.Журавлева, Л.Абаева, В.Багдановский, Н.М.Бархатова, М.Барышников, А.Волков, В.Жеребин, Н.В.Зверева, Р.Капелюшников, И.И.Разумнова кабилар[3] шуғулланиб келганлар ва келмоқдалар. Ушбу муаммолар билан мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Улмасов, С.С.Ғуломов, Р.Х.Ҳусанов, Т.Мамадвалиев, Ё.А.Абдуллаев, М.Қ.Пардаев, М.М.Мухаммедов, Ғ.Ҳ.Қудратов, У.Х.Худайбердиев, З.Ю.Йўлдошев, Т.С.Маликов, А.Вахабов, Г.М.Шодиева, Х.Ахмеджанов, З.Н.Қурбанов, И.Хасанов, Ш.О.Қувондиқов, А.Эминов А.Абдусамедов, А.Хасанов, С.Мирзахўжаев кабилар[4] илмий-тадқиқот олиб борганлар.

---

[3]Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соц.экгиз, 1962, -С.332.; Кейнс Дж. Общая теория занятости процента и денег. –М.: Прогресс. 1948, -С. 238-240; Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М.: Мысль 1982, с. 159.; Ф.Энгельс. Происхождение семьи, частной собственности и государства. – К.Маркс и Ф.Энгельс. Т.21.с.23-178.; Н.Зверева. А.В.Чаянов о размере семьи и крестьянского домохозяйства. //Вестник статистики. 1991, № 7, с 47., Маршал «Принципы экономики», Милл Принципы политической экономии, Смит Богатство народа, В.И.Видяпин, Г.П.Журавлева ва бошыалар. Общая экономическая теория (политэкономия). Учебник. М.: ПРОМО-Медиа, 1995. – 608 б., Узун В. Эффективность крупного и малого бизнеса в сельском хозяйстве. // Вопросы экономики. 2005. №6, 109-118 б.; Бабаева Л. Семейное предпринимательство // Человек и труд. 1993. N 9. С.82.; Багдановский В. Труд и занятость в селском хозяйстве // Вопросы экономики. 2005. № 6, 72 б.; Бархатова Н.М. Семейный бизнес и семьи в бизнесе // ЭКО: Экономика и орг. пром. пр-ва. - Новосибирск, 1999.N 2. С.127.; Барышников М. Семья в институциональном пространстве российского предпринимательства (опыт исторического исследования). // Вопросы экономики. 2005. №7.; Волков А. Семья и домохозяйство // Вестн. статистики.1991.N 7.С.40-46.; Жеребин В., Красыльникова Т. Домашние хозяйства в переходной экономике//Вопросы статистики. 1998.№ 1. с.3.; Зверева Н.В. Экономический подход в исследованиях семьи в современных условиях // Вестник МГУ. Сер.6. Экономика. 1994. N 6. С.38.; Капелюшников Р. Занятость в домашних хозяйствах населениия.//Вопросы экономики. 2005.№7.99б.; Разумнова И.И. Семейный и надомный бизнес: опыт США // США. Канада: Экономика. Политика. Культура.2001.N 1. С.105-118.

[4]Ўлмасов А. Оила иқтисоди. – Т.: “Меҳнат”, 1998. – 192 б., Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.-2002 й, 94 б., Хусанов Р. Аграр ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида деҳқон хўжаликларини

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг асарларида оилавий тадбиркорликнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари умумий тарзда ёритилган. Аммо хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорлик муаммолари кам ўрганилган ва мос равишда иқтисодий адабиётларда ҳам кам ёритилган. Айрим олимларимиз мазкур масаланинг у ёки бу жиҳатини умумий тарзда ўрганиш билан чекланганлар. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари билан А.Ўлмасов, Ғ.Ҳ.Қудратов, М.Қ.Пардаев, Г.М.Шодиева, З.Н.Қурбанов, Ш.О.Қувондиқов кабилар[5] шуғулланиб келмоқдалар. Мамлакатимизда ҳозирги шаклланган иқтисодиёт бутунлай янги йўналишда олиб борилмоқда. Бу иқтисодиётнинг олдинги ҳолатига нисбатан ҳам, хорижий мамлакатлардаги ўхшаш соҳаларига нисбатан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликнинг айнан шу ҳолати мазкур соҳада чуқур илмий-тадқиқотларни олиб бориш заруратини белгилайди. Бу эса мазкур мавзунинг долзарб масалаларга бағишланганлигидан далолатдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

ривожлантириш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, № 6, 2003 й, 6-9 б., Мамадвалиев Т. Оилавий хўжаликларни шаклланиши ва уларни ривожлантириш. Иқтисод фанлари бўйича ҳимоя қилинган диссертациялар ҳақида қисқача маълумот (1992-2001 йиллар). Т. 2001й. 227- Б. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Худойбердиев У.Х., Пардаева О.М. Оилавий корхона иқтисодиёти. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. – 232 б., Пардаев М.К., Шодиева Г.М. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. Самарқанд, СамКИ, 2001 – 151 б., Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари (Монография) / М.М.Мухаммедов (ва бошқ.) – Самарқанд: Zarafshon, 2017.-300 б.Йулдашев З.Ю, Маликов Т.С. Молия: уй хўжаликлари молияси. Ўқув қўлланма – Т.: “IQTISOD MOLIYA”, 2008. – 112 бет., U.Xudoyberdiyev. Oila byudjeti. Risola, - T.: “IQTISODIYOT”, 2012 – 40 b., Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 1998. – 164 б., Шодиева Г. Оила хўжалиги мулки ва даромадини кўпайтириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Самарқанд, 2000, - 34 б., Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омилларни ва сервисни ривожлантириш муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, СамИСИ, 2008. – 42 б., Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Фан, 2006. – 243 б. Вахобов А., Ахмаджонов Х. Хонадон молияси хусусиятлари. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, №10, 2003, 14 б; Хасанов И, Эминов А. Оила даромадларини кўпайтириш манбалари қай даражада ташкил этилаяпди?//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - №7/8,2001, 41-42 б., Ҳаёт китоби: Ёш оилалар учун энциклопедик қўлланма. – Т.: “Sharq”, 2011 – 272 б.; Пардаев М.Қ., Қурбонов З.Н Оила бизнеси ва тадбиркорлиги: ўқув қўлланма – Самарқанд, СамДУ, 1999. – 45 б., А.Абдусамедов ва бошқалар. Мустаҳкам оила маънавияти – Т.: “Сано-стандарт”, 2012 – 160 б., Ш.О.Қувондиков Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Самарқанд, СамИСИ, 2008. – 24 б., Хасанов А., Мирзахўжаев С. Оилада тежамкорлик сирлари. – “Ўқитувчи”, 1999.

[5]Ўлмасов А. Оила иқтисоди. – Т.: “Меҳнат”, 1998. – 192 б. Холмўминов Ш.Р., Ҳакимов Х.М., Аллаев М.А., Маҳкамбоев А.Т. Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2004. – 112 бет., Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Худойбердиев У.Х., Пардаева О.М. Оилавий корхона иқтисодиёти. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. – 232 б., Пардаев М.К., Шодиева Г.М. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. Самарқанд, СамКИ, 2001 – 151 б., Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Фан, 2006. – 243 б., Ш.О.Қувондиков Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, Самарқанд, СамИСИ, 2008. – 24 б.

Тадқиқотнинг мақсади хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўлларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

мавзуга оид адабиётларни ва меъёрий ҳужжатларни ўрганиш натижасида "оила хўжалиги", "уй хўжалиги", "хонадон хўжалиги", "оилавий тадбиркорлик", "касаначилик" тушунчаларининг такомиллашган таърифларини ишлаб чиқиш;

оила хўжаликлари фаолиятини иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан баҳолаш бўйича кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқиш ва "Оила ҳисоботи"ни вилоят миқёсида туманлар кесимида йўлга қўйиш;

иш билан банд бўлмаган оила аъзоларини "ўзини-ўзи иш билан таъминлаш" тамойили асосида шахсий тадбиркорликни йўлга қўйиш ва микрофирмаларни ташкил қилиш орқали янги иш ўринларини яратиш ва бандлик муаммосини ҳал қилиш йўлларини ишлаб чиқиш;

маҳаллаларда касаначиликни ривожлантириш мақсадида ҳар бир маҳаллада "Касаначилик марказлари"ни ташкил қилиш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ва унга маҳалладаги ишсизларни жалб қилиб, бандлик муаммосини ҳал қилиш бўйича таклифларни асослаш;

оила хўжалиги самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва уларни аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш орқали соҳани ривожлантиришга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилишни асослаш;

маҳаллалар томонидан ташкил қилинган тадбиркорлик натижасида ўзини ўзи иш билан таъминлаган аҳоли ва кичик ҳажмда фаолият кўрсатувчи микрофирмалар ҳамда шахсий тадбиркорлар тўлайдиган солиқларни маҳалла бюджетини шакллантиришга йўналтириш механизмини ишлаб чиқиш;

оила хўжаликларига кўрсатиладиган хизматлар ҳажмининг оила даромадлари ва харажатлари даражасига боғлиқлигининг қиёсий таҳлилини амалга ошириш ва хизматлар самарадорлигини оширишнинг илмий асосланган йўлларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорлик билан шуғулланадиган оила хўжаликлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўлларини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида билиш назарияси (мантиқий таҳлил), индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, сабаб ва оқибат, макон ва замон, миқдор ва сифат, статистик ва иқтисодий таҳлил, монографик кузатиш, социологик сўров каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оила хўжаликлари фаолиятини оилавий тадбиркорлик билан шуғулланадиган, ногиронлиги бор, кам таъминланган, кўп болали каби оилалар ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолашга қаратилган индикаторлар ишлаб чиқилиб "Оила ҳисоботи"ни туманлар кесимида тузиш йўлга қўйилган;

оилавий тадбиркорликни ривожлантириб, аҳолининг “ўзини ўзи иш билан таъминлаш” ва маҳаллаларда “касаначилик маркази”ни ташкил қилиш эвазига бола тарбияси билан шуғулланаётган аёллар ва ишсизларни иш билан банд қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

оила хўжаликларида даромадлар таркиби такомиллаштирилиб, уларнинг ўзгаришига тадбиркорликдан, мулкни ишлатишдан, иш ҳақидан, ўзини ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадлар таъсирининг мультипликатив модели асосида ҳисоблаш таклифи ишлаб чиқилган;

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида уларнинг даромадлилиги, саводхонлиги, фаровонлиги ва хотиржамлигини таъминлаш билан боғлиқ бахтлилик даражасини ифодаловчи комплекс кўрсаткич миқдори асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“оила хўжалиги”, “уй хўжалиги”, “хонадон хўжалиги”, “оилавий тадбиркорлик”, “касаначилик” тушунчаларининг таърифлари такомиллаштирилган;

маҳаллалар томонидан ташкил қилинган тадбиркорлик натижасида ўзини ўзи иш билан таъминлаган аҳоли ва кичик ҳажмда фаолият кўрсатувчи микрофирмалар тўлайдиган солиқларни маҳалла бюджетини шакллантиришга йўналтириш таклифи асосланган;

туристик объекти мавжуд қишлоқ маҳаллаларида “Меҳмондорчилик мини кластери”ни ташкил қилиб, туристларни оилавий тадбиркорлик асосида барпо қилинган меҳмон уйларига жойлаштириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашнинг такомиллаштирилган йўллари ишлаб чиқилди;

оила хўжаликларига кўрсатиладиган хизматлар ҳажмининг оила даромадлари ва харажатлари даражасига боғлиқлигининг қиёсий таҳлили амалга оширилган ва хизматлар самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган;

оила хўжалигининг иқтисодий хавфсизлигини, фуқаролар ҳаётининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганишда қўлланилган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишлари соҳанинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш ҳамда уларни баҳолаш йўлларини такомиллаш-

тириш масалаларига қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация ишида ишлаб чиқилган хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўлларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, аҳоли эътиборини ўзини-ўзи иш билан таъминлашга қаратиш мумкинлиги, соҳани ўрганишда олий ўқув юртларида хизмат кўрсатишга оид оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўлларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий таклифлар асосида:

оила хўжаликлари фаолиятини оилавий тадбиркорлик билан шуғулланадиган, ногиронлиги бор, кам таъминланган, кўп болали каби оилалар ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолашга қаратилган индикаторлар ишлаб чиқилиб “Оила ҳисоботи”ни туманлар кесимида тузиш бўйича таклифлар Республика “Оила” марказининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 16 ва 19-бандларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг 2020 йил 13 февралдаги 01-11/155 сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига 12 та кўрсаткич бўйича баҳо бериш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини яратган;

оилавий тадбиркорликни ривожлантириб, аҳолининг “ўзини ўзи иш билан таъминлаш” ва маҳаллаларда “касаначилик маркази”ни ташкил қилиш эвазига бола тарбияси билан шуғулланаётган аёллар ва ишсизларни иш билан банд қилиш бўйича таклифлар Республика “Оила” марказининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 16, 19 ва 27-бандларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг 2020 йил 13 февралдаги 01-11/155 сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянинг амалиётга жорий қилиниши натижасида маҳаллаларда яратилган янги иш ўринларининг 25-30 фоизи ўзини-ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида амалга оширилишига эришилган;

оила хўжаликларида даромадлар таркиби такомиллаштирилиб, уларнинг ўзгаришига тадбиркорликдан, мулкни ишлатишдан, иш ҳақидан, ўзини ўзи

иш билан таъминлашдан олинган даромадлар таъсирининг мультипликатив модели асосида ҳисоблаш таклифи Республика “Оила” марказининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 16-бандида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг 2020 йил 13 февралдаги 01-11/155 сонли маълумотномаси). Ушбу тавсия оила хўжаликларида тадбиркорликдан олинадиган даромадларни кўпайтиришнинг ички имкониятларини аниқлаш ва уларни кўпайтириш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини яратган;

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида уларнинг даромадлилиги, саводхонлиги, фаровонлиги ва хотиржамлигини таъминлаш билан боғлиқ бахтлилик даражасини ифодаловчи комплекс кўрсаткич миқдори бўйича таклиф Республика “Оила” марказининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 18-бандида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг 2020 йил 13 февралдаги 01-11/155 сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши, аҳоли фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ошириб, уларни бахтли қилиш учун “комплекс ривожлантириш дастурлари” ва “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 31 та, жумладан, 5 та халқаро, 26 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 66 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 3 та монография, 3 та услубий қўлланма, 1 та амалий тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, шундан 11 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, унда қўлланиладиган усуллар, апробацияси ва таркибий тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг назарий масалалари ва унинг жамиятни модернизация қилиш шароитидаги ўрни ва роли”га** бағишланган. Унда “Оила хўжалиги”, “Уй хўжалиги” ва “Хонадон хўжалиги” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уларнинг ўзига хос хусусияти, хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш орқали аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалалари, хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликнинг турлари ва уларнинг жамият иқтисодий-ижтимоий хаётидаги аҳамияти ёритилган.

Ҳозирги пайтда иқтисодий адабиётларда оила хўжалиги[6] ибораси билан бирга уй хўжалиги[7], хонадон хўжалиги[8] каби тушунчалар қўлланилмоқда. Олдинги адабиётларда асосан уй хўжалиги тушунчаси қаралган. Миллий ҳисоблар тизимида ҳам “Уй хўжалиги”, деб юритилади. Бироқ, мамлакатимизда оила билан боғлиқ тушунча барча меъёрий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топди. Жумладан, оилавий масалалар “Оила кодекси” орқали тартибга солинади. Мамлакатимизда 1998 йилни “Оила йили” деб эълон қилди ва оилаларни ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди. Мамлакатимиз Конституциясида махсус XIV – боб “Оила”га бағишланган. Шу туфайли оила хўжалиги ва унинг фаровонлигини ошириш масалаларини тадқиқ қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Тадқиқот натижасида оила хўжалиги, уй хўжалиги ва хонадон хўжалиги тушунчаларининг таърифлари ишлаб чиқилди. Илк бор оила хўжалигининг таърифи Г.М.Шодиева томонидан ишлаб чиқилган[9]. Шу ва шу каби бир қанча адабиётларни тадқиқ қилиб, “**Оила хўжалиги** деганда, оила

---

[6]Ўлмасов А. Оила иқтисоди. Т.: Меҳнат, 1998. -49 б., Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омилларни ва сервисни ривожлантириш муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Самарқанд, 2008. – 42 б., Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. – Монография, Т.: Фан, 2006. – 243 б., Умаров У. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: Мерос, 2004. – 251-260 бетлар. Мамадалиева Х.Х. Социально-экономические особенности функционирования семьи в Узбекистане. Автореферат диссертации на соискание ученой степени канд. экон. наук.- Т.: Институт экономики АН РУз., 2008.- 24 с.

[7]Умаров У. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: Мерос, 2004. – 251-260 бетлар. Каримова Д.М. Сектор «Домашное хозяйство» в системе национальных счетов. // Экономика и статистика. № 2 1999. - стр. 66., Каримова Д.М. Доходы население в рамках системы национальных счетов. // Экономика и статистика. № 7 1997. - стр. 14., Каримова Д. Домашние хозяйства и малый бизнес. // Экономика и статистика Т. № 5 1998. - стр. 59-60., Юлдашев З.Ю., Маликов Т.С. Молия: уй хўжалиги молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”? 2008. - 110 б., “Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида уй хўжаликларида тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг иқтисодий ва молиявий механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги Республика ИАА материаллари тўплами. 2019 йил 20 май. Қарши шаҳри. – Қарши, ҚарМИИ, 2019. – 338 бет.

[8]Ахмаджанов Х.И. Хонадон хўжалигининг жамғармалари ва уларнинг инвестицияланиши. // Бозор, пул ва кредит. 2005. №12. - 31-32 бетлар., Ахмаджанов Х.И. Ўзбекистон хонадонлари молия ресурсларини шаклланиши ва ишлатилиши. Т.: Банк-молия акад. Иқтисод фанлари номзоди. Диссертация. 2006.-25 бет. Вахабов А., Ахмаджанов Х. XXI аср корхонаси – бу халқ корхонасидир. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003.№5. 20-25 бетлар.

[9]Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омилларни ва сервисни ривожлантириш муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Самарқанд, 2008. – 42 б., Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. – Монография, Т.: Фан, 2006. – 243 б., Ушбу таъриф “Ҳаёт китоби: Ёш оилалар учун энциклопедик қўлланма”да (Т.: “Шарқ” 2011. – 202 б.) кўчириб босилган.

аъзоларининг ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжини қондириш ҳамда маълум даражада даромад (фойда) олиш учун ўз мулкига эга бўлган ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш каби фаолиятини амалга ошириш ҳамда фойдани оила доирасида ўзлаштириш мақсадида бир-бири билан эр-хотинлик, бола-чақалик ва қариндошлик асосида бирга яшовчи кишилар гуруҳи тушунилади”, деган такомиллашган таърифни ишлаб чиқдик.

Худди шундай уй хўжалиги ва хонадон хўжалиги тушунчаларининг ҳам такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилган. Булар бир-бирига жуда яқин тушунчалардир. Буларни инобатга олиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларга мос ва бугунги воқеликни тўлиқ ўзида ифода этадиган “Оила хўжалиги” тушунчасини назарий жиҳатдан тадқиқот объекти сифатида қарашни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида “**Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари”** қараб чиқилган. Мазкур боб хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорлик самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорлик самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари, хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорлик самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларига бағишланган.

Тадқиқот жараёнида гувоҳи бўлдикки, Самарқанд вилояти статистика бошқармасида оилалар тўғрисида ҳисобот мустақиллик йилларидан буён юритилмас экан. Аммо бугунги кунда ижтимоий масалалар давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси даражасига кўтарилганлиги учун оилалар тўғрисидаги маълумотлар ўта зарурлигини инобатга олиб, оила хўжаликлари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини ҳудудлар кесимида аниқлаш зарурати асосланди ва ушбу ҳолатни баҳолаш бўйича 12 та кўрсаткич тавсия қилинди. Ушбу тавсия Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси томонидан қабул қилиниб, 2018 йилдан бошлаб “Оила ҳисоботи”ни вилоят миқёсида туманлар кесимида тузиш йўлга қўйилди. Ушбу кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида шаҳар оилаларининг улуши 2019 йилда 39,1 %ни ташкил қилади. Қишлоқ аҳолиси эса 60,9 %га тенг. 2018 йилга нисбатан 10,5 % кўпайган. Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра Ўзбекистонда доимий аҳолиси сонининг 50,6 фоизини шаҳар ва 49,4 фоизини қишлоқ аҳолиси ташкил қилади[10]. Кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида қишлоқ аҳолисининг салмоғи мамлакатимиздаги кўрсаткичга нисбатан анча юқори. Ушбу ҳисобот бир йилда бир марта йилнинг 1 апрель ҳолатига тўлдирилади.

[10]“Мамлакатимиз аҳолиси сони 33 миллиондан ошди” “Туркистон пресс” электрон ахборот агентлигининг маълумоти. 2018-10-15 17:18:04.

1-жадвал

Самарқанд вилоятида оила хўжаликларининг умумий сони ва алоҳида категориялари бўйича ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг 2018-2019 йиллар таҳлили[11]

Т/р	Оилаларнинг алоҳида категориялари	2018 йил		2019 йил		Оилалар улуши фарқи (+,-)
		Оилалар сони, бирликда	Оила-ларнинг улуши, %	Оилалар сони, бирликда	Оила-ларнинг улуши, %	
1.	Самарқанд вилоятида жами оилалар сони	610 281	100,0	936538	100,0	-
1.1.	шу жумладан: шаҳарда	174678	28,6	365840	39,1	+10,5
1.2.	Қишлоқда	435603	71,4	570698	60,9	-10,5
2.	Кам таъминланган оилалар сони	22562	100,0	11127	100,0	-
2.1	шу жумладан: шаҳарда	9 184	40,7	4050	36,4	-4,3
2.2.	Қишлоқда	13 378	59,3	7077	63,6	+4,3
3.	18 ёшдан кичик болали оилалар сони	417 286	100,0	441628	100,0	-
3.1.	шу жумладан: шаҳарда	154002	36,9	173202	39,2	+3,7
3.2.	Қишлоқда	263 284	63,1	268426	60,8	-3,7
4.	Кўп болали оилалар сони (5 ва ундан кўп)	78081	100,0	42255	100,0	-
4.1.	шу жумладан: шаҳарда	35 858	45,9	5563	13,2	-32,7
4.2.	Қишлоқда	42 223	54,1	36692	86,8	+32,7
5.	Тўлиқ бўлмаган оилалар сони (отаси ёки онаси йўқ оилалар)	27080	100,0	14976	100,0	-
5.1.	шу жумладан: шаҳарда	15 129	55,9	4380	29,2	-26,7
5.2.	Қишлоқда	11 951	44,1	10596	70,8	+26,7
6.	Ногирон аъзолари бор оилалар сони	41101	100,0	24387	100,0	-
6.1.	шу жумладан: шаҳарда	15 442	37,6	9478	38,9	+1,3
6.2.	Қишлоқда	25 659	62,4	14909	61,1	-1,3
7.	Жиддий сурункали касалликларга чалинган оила аъзолари бор оилалар сони	13825	100,0	8198	100,0	-
7.1.	шу жумладан: шаҳарда	7 929	57,4	1896	23,1	-34,3
7.2.	Қишлоқда	5 902	42,6	6302	76,9	+34,3
8.	Бир ўзи яшайдиган қариялар сони (65 ёш ва ундан катталар)	2432	100,0	1391	100,0	-
8.1.	шу жумладан: шаҳарда	1 503	61,8	584	42,0	-19,8
8.2.	Қишлоқда	925	38,2	807	58,0	+19,8
9.	Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланадиган оилалар сони	42994	100,0	38430	100,0	-

[11]Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби. Мазкур кўрсаткичлар муаллиф тавсиясига кўра 2018 йилдан бошлаб илк бор аниқлана бошланди.

9.1.	шу жумладан: шаҳарда	24 804	57,7	14509	37,8	-19,7
9.2.	Қишлоқда	18 190	42,3	23921	62,2	+19,7
10.	ФХДЁ бўлимларида рўйхатдан ўтмасдан никоҳ қурганлар сони	3827	100,0	2169	100,0	-
10.1.	шу жумладан: шаҳарда	2 421	63,3	1239	57,1	-6,2
10.2.	Қишлоқда	1 406	36,7	930	42,9	+6,2
11.	Ажралиш учун муро-жаат этган оилалар сони	2345	100,0	2131	100,0	-
11.1.	шу жумладан: шаҳарда	1 510	64,4	1201	56,4	-8,0
11.2.	Қишлоқда	835	36,6	930	43,6	+8,0
12.	Хорижга ишлаш учун кетган оила аъзолари бор оилалар сони	142925	100,0	72726	100,0	-
12.1.	шу жумладан: шаҳарда	86 143	60,3	14765	20,3	-40,0
12.2.	Қишлоқда	56 782	39,7	57961	79,7	+40,0

Бунга кўра Самарқанд вилоятида оилаларнинг умумий сони 2018 йилда 610281 тани 2019 йилда 936538 тани ташкил қилган. Шу йилда уларнинг йўналишлари бўйича ҳам кескин ўзгаришлар рўй берган.

Иш билан банд бўлмаган оила аъзоларини аҳолининг “ўзини ўзи иш билан таъминлаш” ва маҳаллаларда “касаначилик маркази”ни ташкил қилиш эвазига оилавий тадбиркорликни ривожлантириб, янги иш ўринларини яратиш ва бола тарбияси билан шуғулланаётган аёлларни ва ишсизларни иш билан банд қилиш имконияти яратилган. Тадқиқот давомида маҳаллаларга эътибор қаратилганлигининг боиси шундаки, оилаларнинг барча бирламчи маълумотлар фақат маҳалла фуқаролар йиғинлари (МФЙ)да олиб борилади. Шу туфайли оила илмий амалий маркази (ИАМ) республикада ҳам ва унинг ҳар бир ҳудудида ҳам МФЙ билан ҳамкорликда иш олиб боришлари мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалардан бири аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган. Бу борада жуда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирларнинг яна бир янги йўналиши аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлашдан иборатдир. Ўзини ўзи банд қилишнинг бошқа йўналишларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу ҳолат қуйидаги беш сабабдан келиб чиқишади:

- шахсий қониқиш;
- мустақил фаолият олиб боришга интилиш;
- эришилган фойдани ўзи олиши;
- бандлик кафолати;
- шахсий мавқеини мустаҳкамлаш.

Ушбу тамойилларнинг ҳар бири ўзига хос мазмунга эга. Улардан бири **шахсий қониқиш**дир. Инсоннинг табиати шундай, у қаерда ишламасин, қаерда яшамасин, энг аввало, шахсий қониқиш ҳосил қилишга ҳаракат қилади. Аммо бунга меҳнат жамоаларида жуда яхши ишлаб ҳам шахсий қониқмаслиги мумкин. Бироқ одам ўзи хоҳлаган ишни ўзи қилса ва ундан

маълум даражада манфаатдорлик таъминланса, жуда катта шахсий қониқиш ҳосил бўлади. Бундай ҳолат одамни жуда катта ва йирик ишларни амалга ошириш учун асос бўлиши мумкин.

Одамлар ўзини ўзи иш билан таъминлаш эвазига шахсий қониқиш ҳосил қилишига сабаб, у моддий жиҳатдан бойлик орттириш билан бирга маънавий қониқишни ҳам ҳосил қилиб, ўзини ўзи рағбатлантиради ва ўзини ўзи тақдирлайди. Демак, ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятларидан бири, ўзи ишни ташкил қилади, ўзи ишлайди ва бошқаларни ҳам ишлатади, қилинган даромади, олган фойдаси эвазига маънавий қониқиш ҳосил қилади. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги 1-расмда келтирилган.

Маҳаллаларда касаначиликни ривожлантириш мақсадида ҳар бир маҳаллада “Касаначилик марказлари”ни ташкил қилиш бўйича таклифининг асосланганлиги натижасида аҳолининг бандлигининг оширилиши билан бирга уларни ижтимоий ҳимоялаш статистик кўрсаткичи 10,0 фоизга кенгайтирилган ва уларни мақсадли ҳимоялаш имконияти яратилган.



1-расм. Аҳолининг ўзини ўзи иш билан банд қилиб, моддий ва маънавий бойликка эришгунча бўлган босқичлар[12]

Ушбу тадбир мамлакатимизда бандлик муаммосини ҳал қилиш билан бирга маҳаллалар иқтисодий қудратини ҳам тиклаш имкониятини яратади. Маҳаллаларда ишсиз аёлларни иш билан таъминлашдан маҳалланинг ўзи манфаатдор бўлади ва бундай ишларни ташкил қилишга маҳалланинг ўзи жонбозлик билан киришади.

Қишлоқларда “Касаначилик марказлари”ни очиш мақсадга мувофиқлиги яна шу билан изоҳланадики, кўпгина қишлоқларда аёлларнинг аксарият қисми бола тарбияси билан бандлиги туфайли, фақат мавсумий ишга жалб қилинади ёки ишсиз. Уларни касаначилик йўли билан ишга жойлаштириш учун қишлоқларда йирик саноат корхоналари ҳам мавжуд эмас. “Касаначилик марказ”ларини маҳаллада яшовчи, аммо бошқа жойда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган маҳалла фуқаролари, маҳаллада маблағи бор, аммо тадбиркорлик билан шуғулланмаётган бир қанча фуқаролар ташкил қилиши мумкин. Улар маҳалладаги “Касаначилик маркази”нинг тижорат банкларда ҳисоб рақамини очади ва маблағини шакллантириб, эҳтиёжманд оилаларни тегишли жиҳозлар билан таъминлаб, ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатишни йўлга қўяди ва

[12]Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

маҳсулотини йиғиштириб олиб сотиш билан ҳам марказнинг ўзи шуғулланади. Ҳар бир касаначига меҳнатига яраша иш ҳақи тўлаб, рағбатлантириб боради. Ушбу тадбирнинг аҳамияти жуда катта. Бу қуйидаги расмда келтирилган (2-расм).

2-расм. Касаначилик марказининг фаолиятидаги боғлиқликлар

Касаначилик марказларининг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, тадбиркор ёки тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида юрган маҳалла фуқароси ўзининг маблағини иқтисодий фаолиятга жалб қилади, қўшимча иш ўринларини яратиш орқали қўшимча даромад топади.

Иккинчидан, маҳалладага ишсиз хотин-қизларни касаначиликни ташкил қилиш орқали уйларига тегишли дастгоҳларни ва жиҳозларни етказиб бериш натижасида уларнинг бандлиги таъминланади ва буларнинг маҳаллага тўлови эвазига маҳаллаларнинг молиявий имкониятлари пайдо бўлади.

Учинчидан, ушбу жараёндан, тадбиркорнинг ҳам, маҳалла фуқароларининг ҳам, маҳалланинг ҳам, пировардида ҳар бир оиланинг ҳам манфаатдорлиги ошади. Уларнинг ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолиятлари диверсификация қилинади. Натижада қишлоқлардаги ишсизлик муаммоси ҳал қилиниши билан бирга, уларнинг меҳнати мавсумийликдан, доимийлик мазмунига эга бўлади, у ерда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари кўпаяди. Пировардида оилалар фаровонлиги ошади.

Аҳолининг ишга жойлашишида маҳалланинг ўрни ва роли катталиги ўзини ўзи иш билан таъминлаш натижасида банд бўлган аҳолининг сонида ҳам кўриниб турибди. Мазкур масаланинг Самарқанд вилоятида қай ҳолатда эканлиги қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан ҳам кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида ҳам умумий ишга жойлашиш 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 107,7 %га (92540*100/85895) ўсган. Бироқ ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида ишга жойлашганлар шу даврда вилоятда 195,9 %га (28974*100/14790) ошган. Бундан ҳам кўриниб турибдики, вилоятда ўзини ўзи иш билан таъминлаш тамойили асосида ишга жойлашганларнинг жадаллик коэффициенти, умуман ишга жойлашганларга нисбатан 1,82 коэффициентни (195,9/107,7) ташкил қилмоқда. Демак, шу йиллар давомида бундай ўзгариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорининг натижаси, деб баҳолаш мумкин. Мазкур тавсиянинг амалиётга жорий қилиниши натижасида маҳаллаларда яратилган янги иш ўринларининг 25-30 фоизи ўзини ўзи иш

билан таъминлаш тамойили асосида амалга оширилишига эришилган. Оила хўжалиги самарадорлигини баҳолаш учун тегишли кўрсаткичлар ишлаб чиқилди, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали соҳани ривожлантиришга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш эвазига оилавий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини реал баҳолаш имконияти яратилди.

2-жадвал

Самарқанд вилояти аҳолисининг 2015-2019 йилларда йўналишлар бўйича ишга жойлашиши ҳақидаги маълумот[13]

Йил-лар	Жами ишга жойлашганлар		Шу жумладан					
			Давлат ташкилот-ларига		Ўзини-ўз банд қилиш йўли билан		Тадбиркорлик субъектларига	
	Сони, киши	Улуши, %	Сони, киши	Улуши, %	Сони, киши	Улуши, %	Сони, киши	Улуши, %
2015	85895	100,0	2262	2,63	14790	17,22	68845	80,15
2016	90551	100,0	4162	4,60	16247	17,94	70142	77,46
2017	95057	100,0	8402	8,84	19073	20,06	67582	71,10
2018	90369	100,0	10163	11,25	26734	29,58	53472	59,17
2019	92540	100,0	9643	10,42	28974	31,31	53923	58,27

Оила хўжалиги самарадорлигини баҳолашда фойдаланиладиган муҳим кўрсаткичлардан бири –оила хўжаликлари даромадларидир. Ушбу кўрсаткич турли манбалардан таркиб топади. Ушбу даромаднинг таркиби мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳосиласи сифатида намоён бўлади.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оила хўжаликлари даромадлари манбаларнинг турлари кенгайди. Булар бизнинг фикримизча қуйидаги 10 та турдан иборатлиги аниқланди. Булар таркибига қуйидагиларни киритишни тавсия қилинди:

1. Иш ҳақидан олинган даромад (Иҳ).
2. Ўзини ўзи иш билан таъминлаб ўзи топган даромад (Ўд).
3. Мулкни ишлатишдан олинган даромад (Мд).
4. Тадбиркорликдан (бошқаларни ёллашдан) олинган даромад (Тд).
5. Ўзининг томорқасига экин экиб истеъмол қилиш эвазига (маблағни тежаш эвазига) олинган даромад (Ўт).
6. Ўзига хизмат кўрсатиш эвазига (маблағни тежаш эвазига) топган даромади (Хк).
7. Давлат томонидан бериладиган пенсия ва бошқа ижтимоий тўлов-лар ва ёрдамлардан олинган даромад (Дп).
8. Хомийлик ва хайрия ҳисобидан олинган даромадлари (Хх).
9. Оила аъзоларининг хорижда ишлаб топган даромалари (Хд).
10. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар (Мф).

[13]Самарқанд вилояти статистика бошқармаса ва МФЙ вилоят бўлими ҳамкорлигидаги маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Тадқиқотларимиз натижасида оила хўжалигининг барча даромадларини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинди:

АД = Иҳ + Ўд + Мд + Тд + Ўт + Хк + Мф + Дп + Хх + Хд;

Ушбу формуладаги даромад турларини мос равишда Х1, Х2 ... Хп, деб белгилаб, қуйидаги аддитив модел кўринишига эга бўлинди:

$$\text{АД} = \sum_{i=1}^{10} \text{Х}i\,;$$

Ушбу аддитив моделдан фойдаланган ҳолда оила хўжалиги даромадларида таркибий ўзгаришлар қандай амалга оширилганлигини, яъни ўзгараётганлигини таҳлил қилиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Тадқиқ қилинган оила хўжаликларида ўртача бир кишига тўғри келадиган даромадларининг турлари ва уларнинг 2016-2019 йилларда таркибий тузулишидаги ўзгаришлар ҳисоб-китоби[14]

Т/р	Оила хўжалиги даромадларининг турлари	2016 йил		2019 йил		Фарқи (+,-)		Ўсиш суръати, %
		суммаси, минг сўм	улуши, %	суммаси, минг сўм	Улуши, %	суммаси, минг сўм	Улуши, %	
1.	Иш ҳақидан олинган даромад (Иҳ)	5665,3	42,1	7471,6	46,8	+1806,3	4,7	131,8
2.	Ўзини ўзи иш билан таъминлаб ўзи топган даромад (Ўд)	982,3	7,3	1293,1	8,1	+310,8	0,8	131,6
3.	Мулкни ишлатишдан олинган даромад (Мд)	349,9	2,6	335,4	2,1	-14,5	-0,5	95,8
4.	Тадбиркорликдан олинган даромад (Тд)	3714,1	27,6	3767,8	23,6	+53,7	-4,0	101,4
5.	Ўзининг томорқасига экин экиб қилинган даромад (Ўт)	1372,6	10,2	1548,7	9,7	+176,1	-0,5	112,8
6	Ўзига хизмат кўрсатиш эвазига топган даромади (Хк)	430,6	3,2	494,9	3,1	+64,3	-0,1	114,9
7.	Давлат томонидан бериладиган пенсия ва ёрдамлардан олинган даромад (Дп)	655,5	4,9	708,0	4,4	+52,5	-0,5	108,0
8.	Хомийлик ва хайрия даромадлари (Хх)	107,6	0,8	111,7	0,7	+4,1	-0,1	103,8
9.	Оила аъзоларининг хорижда ишлаб топган даромалари (Хд)	178,8	1,3	233,9	3,9	55,1	-1,3	130,8
10	Молиявий фаолият даромадлари (Мф)	-	-	-	-	-	-	-
	ЖАМИ ∑	**13456,7**	**100,0**	**15965,1**	**100,0**	**+2508,4**	**х**	**118,6**

[14]Мазкур жадвал социологик сўровлар натижасида 2016 ва 2019 йил натижалари бўйича тузилди. Социологик сўровга асосан оилавий тадбиркорлик билан шуғулланадиган оилалар жалб қилинган.

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, оила хўжалиги даромади 2019 йилда 2016 йилга нисбатан 172,6 %га ўсиши рўй берган. Унинг таркиби бўйича ўрганилганда, шу даврда оила даромадларининг иккитасида юқори ўсишга эришилган. Булар иш ҳақидан олинган даромад 191,8 %га ва ўзини ўзи иш билан таъминлаб ўзи топган даромад 191,5 %га ўсганлигида намоён бўлмоқда. Қолган даромад турлари ҳам маълум миқдорда ўсган, аммо ўртача ўсиш даражасига нисбатан кам бўлган. Ушбу ҳолатни уларнинг таркиби бўйича улушини аниқлаганда ҳам кузатиш мумкин. Иш ҳақидан олинган даромаднинг улуши 2016 йилда 42,1 %дан 2019 йилга келиб, 46,8 %га ёки 4,7 %га ошган. Худди шундай ҳолат ўзини ўзи иш билан таъминлаб ўзи топган даромадда ҳам рўй берган. Ушбу кўрсаткич улушининг ўсиш 7,3 %дан 8,1 %га ёки 0,8 %га ўсган. Мулкни ишлатишдан олинган даромад умумий суммаси 139,4 %га ошгани билан улуши шу даврда 2,6 %дан 2,1 %га ёки 0,5 %га камайган. Тадқиқ қилинган оилаларда тадбиркорликдан (бошқаларни ёллаб ишлатишдан) олинган даромад шу даврда 147,6 %га ошган. Аммо ушбу кўрсаткич ўсишининг ўртачага нисбатан камлиги, унинг улушининг камайишига олиб келган. Мазкур кўрсаткич 2016 йилда 27,6 %ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб, 23,6 %га ёки 4,0 %га камайган. Ҳозирги шароитда ўзининг томорқасига экин экиб истеъмол қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу кўрсаткич ҳам тадқиқ қилинган оилаларда 164,1 %га ўсган. Аммо оила даромадида унинг улуши 10,2 %дан 9,7 %га ёки 0,5 %га камайган. Оила хўжалигида ўзига хизмат кўрсатиш эвазига топган даромади 3,2 %дан 3,1 %гача ёки 0,1 %га камайган. Давлат томонидан бериладиган пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар ва ёрдамлардан олинган даромад ҳам 164,2 %га ошган. Аммо ушбу кўрсаткичнинг улуши 6,2 %дан 5,9% га ёки 0,3 %га камайган. Оилада хомийлик ва хайрия даромадлари ҳам шу таҳлил даврида 150,9 %га ошган. Ушбу кўрсаткичнинг улуши 0,8 %дан 0,7 %га камайган.

Тадқиқотлар кўрсатдики, оила аъзоларининг сони, уларда аксарият қисми ишлайдиганлар ва ишламайдиганларнинг сони ҳам турлича. Турли оилалар оладиган даромадлари ҳам ҳар хил бўлганлиги туфайли, битта оилага тўғри келадиган даромаддан кўра, ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган даромадларни олишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Оилавий тадбиркорликда тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улушининг кўпайиши, оилавий фаровонликнинг ошиб боришини кўрсатади. Оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улуши (Тдул) қуйидагича аниқланади:

$$\text{Тдул} = \frac{\text{Тд}}{\text{Уд}};$$

Бунда: Тд – оилавий тадбиркорликдан олинган даромадлар миқдори.

Уд – оиланинг умумий даромадлари суммаси.

Тадқиқотларимиз натижасида, оилавий тадбиркорликдан олинган даромадлар оиланинг бошқа даромадлари билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди ва ушбу боғлиқлик натижасида қуйидаги омиллар юзага келди. Буларга:

– тадбиркорлик даромадларининг мулкни ишлатишдан олинган даромадларни қоплаш даражаси (Тдми);

– мулкни ишлатишдан олинадиган даромадларнинг иш ҳақидан олинадиган даромадларни қоплаш коэффициенти (Тмих);

– иш ҳақидан олинган даромадларнинг ўзини ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадлардаги ҳиссаси (Иҳўз);

– ўзини ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улуши (Ўзуд).

Ушбу омилларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Тдул} = \text{Тдми} * \text{Мииҳ} * \text{Иҳўз} * \text{Ўзуд};$$

Ушбу формулага аниқ маълумотларни қўллаб оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг оиланинг умумий даромадларидаги улушига таъсирини аниқлаш мумкин бўлади. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (4-жадвал).

4-жадвал

Тадқиқ қилинган оилаларда оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг оиланинг умумий даромадларидаги улушига таъсир қилувчи омилларнинг 2016-2019 йиллардаги ҳисоб-китоби[15]

Т/р	Кўрсаткичлар ва омиллар	2016 йил	2019 йил	Фарқи (+,-)	1-омил билан қайта ҳисоб-ланган	2-омил билан қайта ҳисоб-ланган	3-омил билан қайта ҳисоб-ланган
1.	Тадбиркорлик даромадларининг мулкни ишлатишдан олинган даромадларни қоплаш даражаси, коэфф.	10,615	11,234	+0,619	11,234	11,234	11,234
2.	Мулкни ишлатишдан олинадиган даромадларнинг иш ҳақидан олинадиган даромадларни қоплаш коэфф.	0,062	0,045	-0,017	0,062	0,045	0,045
3.	Иш ҳақидан олинган даромадларнинг ўзини ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадлардаги улуши,%	5,767	5,778	+0,011	5,767	5,767	5,778
4.	Ўзини ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадларнинг умумий даромаддаги улуши%.	7,30	8,10	+0,80	7,30	7,30	7,30
5.	Оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улуши, %	**27,71**	**23,66**	**-4,05**	**29,32**	**21,28**	**21,32**

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улуши,

[15] 3-жадвал маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

2019 йилда 2016 йилга нисбатан 4,05 %га камайган. Ушбу ўзгаришга тадқиқотимиз бўйича тўртта омил таъсир қилган.

